

ТТА Кенгаши йиғилишида қабул
килинган
Баённома № _____
« _____ » _____ 201 ____ й.

«Тасдиқлайман»
Тошкент тиббиёт академияси
ректори Д.Н. Гуйчиев _____
« _____ » _____ 201 ____ й.



Талабалар томонидан қолдирилган ва ўзлаштирилмаган машғулотларни қайта топшириш тартиби

Мазкур тартиб талабаларнинг қолдирган ва ўзлаштирмаган машғулотларини қайта топшириш тартиби, шакли ва муддатини белгилайди ва у талабаларни таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштиришини таъминлашга қаратилган.

Талабалар қуйидаги ҳолларда жорий назорат бўйича академик қарздор ҳисобланадилар: амалий, лаборатория, семинар машғулотлари, маърузаларни қолдириш ва ўзлаштирамаслик.

Дарс қолдириш – дарс жадвалида белгиланган вақтда талабаларнинг амалий, лаборатория, семинар машғулотлари ва маърузаларда қатнашмаслиги. Дарс қолдириш узрли сабабларга кўра ва узрли сабабсиз бўлиши мумкин.

Дарс қолдиришнинг узрли сабабларига қуйидагилар киради:

- касаллик, фарзанд кўриш, бетоб фарзандни парваришlash (давлат даволаш профилактика муассасаларида ёки академиянинг талабалар поликлиникасида тасдиқланган ўрнатилган намунадаги тиббий маълумотнома асосида);
- Талабанинг никоҳ тўйи, яқин қариндошларининг ўлими сабабли (тегишли гувоҳномалар билан тасдиқланади ва 3 кунгача муддатгача берилади);
- Қон донорлиги туфайли (тегишли донорлик маълумотномаси билан тасдиқланади), бунда талаба машғулотларни қайта топшириш шарти билан Ўзбекистон Республикасининг “Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида”ги қонунга асосан академия талабалари, таълим олувчиларнинг бошқа тоифалари қон ва унинг таркибий қисмларини топширадиган куни, шунингдек тиббий кўрикдан ўтадиган куни машғулотлардан озод қилинадилар;
- расмий ташкилотларга чақирик ва тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бошқа ҳолатлар (судга, ҳарбий комиссариатга чақирик қоғози, маълумотнома ва б.);
- олдиндан режалаштирилган ОТМ, Республика ёки халқаро олимпиада, анжуман, семинар, махорат дарслари ва бошқа илмий-амалий, маданий-маърифий танловларва спорт мусобақаларида иштирок этган талабаларга ректор буйруғи асосида иштирок этиши туфайли талабага қайта топширишларсиз жорий назоратининг ўртача рейтинг бали қўйилади;

Талабаларнинг амалий, лаборатория, семинар машғулоти ва маърузаларда қатнашмаслигининг қолган барча бошқа сабаблари узрли деб қабул қилинмайди ва ўқув интизомини бузиш ҳисобланади.

Узрли сабабларга кўра ва узрли сабабларсиз қолдирилган ҳамда ўзлаштирилмаган ҳар бир машғулоти талабалар томонидан қайта топширилади.

Битта фан бўйича уч ва ундан ортиқ амалий, лаборатория, семинар машғулоти ва маърузаларни қолдирган талабалар декан ва декан муовинининг ёзма рухсатномаси (рухсатномада машғулоти қолдирилганлиги сабаби ва қайта ўзлаштириш муддати кўрсатилиши керак) асосида кейинги машғулотига қўйилади. Шу кунга ёзма рухсатномаси бўлмаган талаба кейинги машғулотида деканатдан рухсатнома олиб келиши шарт билан ўқитувчи томонидан дарсга қўйилиши мумкин.

Талаба томонидан жорий академик қарздорликни бартараф этиш қолдирилган ва ўзлаштирилмаган машғулоти қайта топшириш йўли билан амалга оширилади.

Кафедранинг ахбороти стендида тегишли фан бўйича қарздорликни бартараф этиш шакли (оғзаки сўров, реферат ёзиш, беморлар курацияси, навбатчилик қилиш ва ҳ.к.), қайта топшириш жойи, вақти ва қайта топширишни қабул қилувчи ўқитувчининг Ф.И.Ш. кўрсатилади.

Кафедраларда қолдирилган ва ўзлаштирилмаган машғулоти қайта топшириш “Қайта топшириш журнали” ва профессор-ўқитувчи журналида қайд этилади.

Қайта топшириш тартиби, шакли ва муддати

Мунтазам равишда деканат Координацион Кенгаши ўтказиб борилади ва давомати ёмон, ўзлаштириши паст талабалар аниқланиб, дарс қолдириш сабаблари ўрганилади ҳамда ўрнатилган тартибда дарсга қатнаш, қайта топшириш учун рухсатномалар қайта топшириш муддати кўрсатилган ҳолда кафедрага тақдим этилади.

Талаба жорий қарздорликни кафедрада ўрнатилган тартибда ўқув иши учун маъсул ёки мазкур гуруҳга дарс берувчи ўқитувчи ёки навбатчи ўқитувчига қолдирилган ва ўзлаштирилмаган машғулоти қайта топшириш йўли билан бартараф этиш ҳуқуқига эга (қолдирилган маъруза машғулоти маъруза ўқийдиган профессор-ўқитувчилар томонидан қабул қилинади).

Узрли сабабларга кўра машғулоти қолдирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар талаба ўқишни бошлагандан сўнг уч кунлик муддат ичида деканатга тақдим этиши шарт.

Касаллик ёки бошқа сабаблар туфайли машғулоти қатнаша олмаган талаба дарс қолдирган куннинг эртасигаёқ шахсан ўзи, гуруҳ сардори ёки гуруҳ мураббийи орқали деканатга дарсга қатнаша олмаслик сабаби ҳақида хабар бериши шарт.

1 ёки 2 та қолдирилган ва ўзлаштирилмаган машғулоти қайта топшириш мос равишда кейинги машғулотида ёки 2 ҳафта давомида (цикли машғулотида цикл тугагунга қадар) амалга оширилади.

Узрли сабабларга кўра уч ва ундан ортиқ қолдирилган машғулотларни қайта топшириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- Талаба қайта топшириш учун рухсат беришни сўраб ёзган аризаси, тушунтириш хати ва қолдирилган машғулотни узрли сабабли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхасини деканатга тақдим этади;
- мазкур ҳужжатлар деканат томонидан қабул қилинган 1 кун ичида ўрганиб чиқилади ва ва шу куннинг ўзида факультет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда қайта топширишга рухсат берилади. Декан имзоси билан тасдиқланган рухсатномада дарс қолдирганлик сабаби ва қайта топшириш муддати кўрсатилади;
- талаба рухсатномани машғулот олиб борувчи ўқитувчи ёки ўқув ишига маъсулга топширади;
- талаба машғулотни рухсатномада белгиланган муддатда кафедрада ўрнатилган тартибда қайта топширади ва қайта топширганлиги ҳақидаги маълумотни белгиланган муддатнинг эртаси куни деканатга тақдим этади.

Уч ва ундан ортиқ узрли сабабларсиз қолдирилган амалий машғулотларни қайта топшириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- талаба деканатга қайта топшириш учун рухсат беришни сўраб ёзган аризаси ва дарс қолдириш сабаби кўрсатилган тушунтириш хатини тақдим этади;
- ариза деканат қошидаги мунтазам фаолият юритувчи Координацион кенгаш томонидан 1 кунлик муддатда ўрганиб чиқилади ва кенгаш қарорига асосан қолдирилган машғулотларни қайта топшириш учун дарс қолдирганлик сабаби ва қайта топшириш муддати кўрсатилган ҳолда рухсатнома берилади;
- бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирган талаба ўрнатилган тартибда талабалар сафидан четлаштирилади;
- талаба рухсатномани кафедра мудири ёки ўқув ишига маъсул ўқитувчига топширади;
- мунтазам равишда дарс қолдирувчи талабалар томонидан қолдирилган амалий машғулотларни қайта топшириш деканат Координацион кенгаши рухсатномаси асосида кафедрада ташкил этилган **комиссия** томонидан қабул қилинади;
- талаба машғулотни рухсатномада белгиланган муддатда кафедрада ўрнатилган тартибда қайта топширади ва қайта топширганлиги ҳақидаги маълумот 1 кунлик муддатда деканатга тақдим этилади.

Агар қолдирилган машғулотлар мазмуни фақатгина назарий билимларни эгаллашга қаратилган бўлса, у ҳолда қайта топшириш машғулот

мавзуси бўйича назарий билимларни назорат қилиш (кафедра қарорига асосан ёзма ёки оғзаки) шаклида амалга оширилади.

Агар қолдирилган машғулотлар мазмуни ҳам назарий билимлар, ҳам амалий кўникмалар (амалий машғулотлар, клиник ўқув амалиёти, беморлар курацияси ва ҳ.к.)ни эгаллашга қаратилган бўлса, у ҳолда мазкур машғулотни қайта топшириш умумлаштирган ҳолда ягона баҳо қўйиш билан икки босқичда: назарий билимларни назорат қилиш (кафедра қарорига асосан ёзма ёки оғзаки) ва қолдирилган машғулот мавзуси бўйича амалий кўникмаларни бажариш (бемор курацияси, навбатчилик, вазиятли масала ечиш) шаклда амалга оширилади. Назарий билим ва амалий тайёргарлик (амалий кўникма)ни назорат қилиш шакли кафедра томонидан аниқланади.

Қолдирилган маърузаларни қайта топшириш кафедра йиғилиши қарорига асосан қолдирилган маъруза мавзуси бўйича реферат (ҳажми маъруза мавзусини қамраб олиб қўлда ёзилган) ва оғзаки сўров шаклида амалга оширилади.

Ўзлаштирилмаган (қоникарсиз баҳо) машғулотларни қайта топшириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Учтагача ўзлаштирилмаган машғулотларни қайта топшириш деканат рухсатномасисиз, уч ва ундан ортиқ ўзлаштирилмаган машғулотларни қайта топшириш эса рухсатнома асосида амалга оширилади.

Белгиланган вақтда талаба ўзлаштирилмаган машғулотни назарий билимлар ва/ёки мавзу бўйича амалий кўникмаларни бажарилишини назорат қилиш шаклида қайта топширади.

Талаба рухсатномада белгиланган муддатда кафедрада ўрнатилган тартибда қайта топширади ва қайта топширганлиги ҳақидаги маълумот деканатга 1 кунлик муддатда тақдим этилади.

Белгиланган муддатда қайта топширмаган талабалар билан кафедрада тегишли ишлар (ўқитувчи, ўқув ишига маъсул, кафедра мудири билан суҳбат ёки талаба иштирокида кафедра йиғилиши муҳокамаси ва бошқ.) олиб борилади. Кўрилган чоралар натижа бермаган ҳолатларда кафедра мазкур талабалар ва қўлланилган чоралар ҳақида деканатга маълумот беради.

Кафедрада ўзлаштирилмаган ва қолдирилган машғулотларни қайта топшириш (ўқитувчининг навбатчилиги) жадвали кафедра мудири томонидан тасдиқланади ва деканатларга тақдим этилади.

Қайта топширишлар кафедра мудири томонидан тасдиқланган мазкур жадвал асосида қабул қилинади.

Қайта топширишларни амалга оширилиши юзасидан назорат кафедра мудири ва деканат зиммасига юклатилади.

Кафедрада қайта топширишларни қабул қилиш дарсдан ташқари вақтда амалга оширилади.

Талаба ҳар бир қайта топширишда фақат битта мавзу бўйича қарздорлигини бартараф этиши мумкин.

Қайта топшириш бўйича ўқув топшириқлари ижобий бажарилган ҳолда машғулот бўйича қарздорлик бартараф этилган деб ҳисобланади ва

баҳолаш мезонлари асосида тегишли баллар “Қайта топшириш журнали” ва профессор-ўқитувчи журналида қайд этилади.

Узрли сабабларсиз машғулотларни баҳолаш мезонлари асосида қайта топширишда талабанинг тўплаган бали 0,8 коэффициент билан аниқланади ва “Қайта топшириш” ҳамда профессор-ўқитувчи журналида қайд этилади.

Норозилик ҳолатларида қайта топшириш кафедра мудирини иштирокида ўтказилади.

Талабанинг қолдирган машғулотларни қайта топширганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар кафедрада бир йил давомида сақланади.

Жорий назорат бўйича қарздорлигини бартараф этмаган талабалар кейинги назорат тури (ОН ёки ЯН)га киритилмайди.

Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, фан бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан 3 (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида хулосасини билдиради.

Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани, кафедра мудирини, ўқув-услугий бўлими ҳамда таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси томонидан назорат қилинади.